

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ “АЛОҚАБАНК” “IT Park” ҲҚХКМ ШАХСИЙ
ТАРКИБИ ЙИҒИЛИШИНИНГ 2-СОНЛИ БАЁНИ**

2026 йил 24 апрел

Тошкент шаҳри

Раислик қилди	И.Турсунов	“IT Park” ҲҚХКМ директори
Иштирокчилар	А.Ибрагимов	Корпоратив бизнес бўйича директор ўринбосари
	М.Қадомов	Чакана бизнес бўйича директор ўринбосари
	Д.Сайидов	Бош бухгалтер
АТ “Алоқабанк” “IT Park” ҲҚХКМ шахсий таркиб ходимлари		

Иштирок этган шахсий таркиб (рўйхат иловада)

108 нафар

Кун тартибидаги масала:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси АТ “Алоқабанк” Бошқарувига мурожаат қилиб, “Банк тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар” мавзусида ўқув тадбири ўтказиб, натижаси юзасидан расмийлаштирилган ҳужжат (баённома, қарор, фотосуратлар)ни тақдим этиш сўралган.

Кун тартибидаги масала юзасидан АТ “Алоқабанк” “IT Park” ҲҚХКМ Юридик шўъба бошлиғи Ж.Қаимов сўзга чиқиб, “Коррупцияга қарши курашиш – Ватан тараққиётининг кафолатидир!” мавзусида маъруза ва эркин суҳбат ўтказиб, коррупция тушунчаси, унинг мамлакат ривожига кўрсатадиган салбий таъсири, иқтисодий тармоқларида мавжуд коррупцияген факторлар, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирлари юзасидан ўз фикрларини тингловчиларга баён этди.

Жумладан:

Ҳозирги глобаллашув, минтақа ва давлатлараро интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция чегара билмас муаммога айланиб улгурган.

Коррупция келтириб чиқараётган оқибатлар жамиятларни ич-ичидан емириб, демократик ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилишига олиб келади, иқтисодий ривожланишни издан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.

Хўш, коррупция нима ўзи, нега бутун дунё шу иллатга қарши курашмоқда?

Коррупция - бу жамиятни турли йўللар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказибгина қолмай, инсон ҳуқуқлари бузилишига, молиявий бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилинишига, ҳар бир жабҳа тараққиётини секинлаштиришига ва жамият хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб кетишига шароит яратиб беради.

Коррупция мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноятдир. Бу иллат ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига зарар етказди. Жамиятнинг маънавий ахлоқини емиради, қонун

устуворлигини кучсизлантиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади. Шу билан бирга, уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсоният ҳаффсизлигига қарши қаратилган бошқа таҳдидларнинг ўсишига ёрдам беради. Унинг домига илинган амалдор шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиши натижасида, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди, чет эллик инвесторларда ҳам ишончсизлик уйғотади ва уларни ҳамкорликдан қайтаради.

Коррупция муаммоси бугунги кунда дунё миқёсида ўз ечимини талаб этаётган асосий масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш изчиллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилди ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурлари қабул қилинди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг “Коррупцияга Қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони коррупцияга қарши кураш борасида изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имиджини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Афсуски, юртимизда бу борада етарлича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига қарамасдан жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Коррупция жамиятимиз ривожига ғов бўлаётган энг катта иллат эканлигини баён этиб, қуйидаги сўзларни таъкидладилар: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак...”.

Мазкур вазифалар ижросини тизимли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида, фақат Парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши зарурлиги айтиб ўтилган эди. Айти шу мақсадлардан келиб чиқиб, асосий вазифаси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакиллари билан биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Ривожланган демократик давлатлар, жумладан Сингапур, Швеция, Финландия давлат ислохотларини айнан мазкур иллат - коррупцияни илдизига болта уриш билан бошлаганлиги ва бу борада тизимли равишда иш олиб боришни ўзларининг асосий вазифалари деб белгилаганлиги учун жаҳонда коррупция даражасини ўрганувчи “Transparency International” ташкилотининг “коррупция йўқ”лик индексида ҳар доим юқори поғоналарда туради. Бу албатта мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, жумладан инвестиция фаолиятининг тараққиётига, инвестиция муҳитига ижобий таъсир қилиб, давлатни ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлади.

Коррупция ва порахўрлик ҳақида тарихга бир назар ташласак, жаҳон тарихининг турли даврларидаги давлатларда ҳам мансабдор шахслар томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилгани, коррупцияга қарши қонунлар қабул қилиниб, ўзига хос жазолар тайинланганининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда “Темур тузуклари” алоҳида ўрин эгаллаган. Тузукларда мулкни, хусусан, давлат мулкни ўзлаштирганлик учун жавобгарликни белгилашда ўзига хос ёндашув мавжуд бўлган.

Ўша даврда амалдорлар ишини тартибга солиш мақсадида даврий равишда сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмом қилиш, доимий равишда ичкиликбозлик, маиший бузуқлик каби қилмишлар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар юқорида зикр этилган меъёрларни бузганликлари учун халқ олдида жазоланган.

Диний нуқтаи назардан ҳам, Аллоҳ таоло инсониятни яратгач, уларни ер юзида ҳалол ризқ топиш ҳаракатида бўлишга амр этиб, унинг акси бўлмиш ҳаромдан ҳазар қилишга буюради. Демак, ҳар бир инсон ҳалол ризқ топиш ҳаракатида бўлиш билан бирга, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилиши ва ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштирмаслиги лозим.

Ҳаётда ўзгаларнинг ҳаққига тажовуз қиладиган, ўзгалар мулкни ўзлаштириб оладиган кимсалар, гарчи кўзга “уддабурон кишилар” бўлиб кўринса-да, айнан ўшалар ночор ва бечора кишилардир. Бировнинг ҳаққини ноҳақ ейиш, пора бериш ва пора олиш оғир гуноҳ эканлиги муқаддас Қуръон ва Ҳадисда ҳам қайд этилган. Демак, коррупцияга қарши курашда инсоннинг диний-маърифий билимларга эга бўлиши ҳам жуда муҳимдир.

Коррупцияга қарши кураш биринчи навбатда оиладаги муҳит ва таълим-тарбиядан бошланади. Жамиятда нима ҳалолу нима ҳаром эканлиги фарзандларимизга ота-оналар ва устозлар ўғити билан сингдирилади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев фарзандларимизга болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга ўргатишни назарда тутиб, ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари лозимлигини таъкидлайдилар: *“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкни тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”*.

Абдулла Авлонийнинг таъбири билан *“Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир”*.

Коррупциянинг ривожини давлатдаги қонунларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, номукамал бўлган қонунлар ишламайди ва коррупцияга мойил шахслар бундан усталик билан фойдаланади! Коррупциянинг ижтимоий сабабларига жамиятдаги носоғлом муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданияти, маънавиятининг пастлиги, диний-маърифий саводсизлик, уюшқоқлик, жамоатчиликдаги фаолликнинг йўқлиги киради. Жамиятдаги ижтимоий онгнинг у ёки бу тарзда ўзгаришига одамларда давлат ва қонунларга нисбатан ишонч пайдо бўлишига раҳбар ходимларнинг ўз вазифаларини қай даражада амалга ошириши таъсир кўрсатади.

Мансабдор тўғри ва адолатли қарорлар қабул қилса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланса, ижтимоий ҳимоя кучайтирилса, халқнинг жамиятда

адолат, ҳақиқат борлигига ишончи ортади. Унинг акси бўлса, одамлар орасида норозилик ва ҳукуматга нисбатан ишончсизлик юзага келади.

Президентимизнинг Коррупцияга оид Қарор ва Фармонларида коррупцияга оид жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Жумладан:

- реал вақтда содир бўлган ёки содир бўлаётган қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарларни тезкор етказиш учун шошилиш алоқа бўйича қисқа телефон рақамини ташкил қилинди (ишонч телефонлари);

- ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш, коррупция аломатларини фош этишда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, **Банк фаолиятида** ҳам коррупцияга қарши кураш вазифаларини амалга оширувчи, коррупцион жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган “**комплаэнс хизмати**”нинг ташкил этилганлиги, бугунги кунда молиявий соҳада ҳам катта ислохотлар амалга оширилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати ўзида асосий 4 (тўртта) мақсадни амалга оширишни устувор этиб белгилайди:

-банк ва молиявий фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

-аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

-банк ва молия органлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги таъминлаш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, коррупция ва порахўрлик жамият барқарорлигининг муҳим асоси бўлган адолатнинг йўқолишига олиб келади. Мамлакатимиз мустақамлиги, халқимиз фаровонлиги, юртнинг ривож ва гуллаб яшнашини, обод бўлишини истаган ҳар бир фуқаро пора олиш ва бериш иллатидан халос бўлиши, Президентимиз таъбири билан айтганда “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланиши керак.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Шу билан бугунги йиғилиш кун тартибига қўйилган масала – “Банк тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар” мавзуси юзасидан иштирокчиларга лозим бўлган маълумотлар етказилди ва йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

АТ “Алоқабанк” “IT Park” ҲКХКМ раҳбарияти:

Директор

И.Турсунов

Чакана бизнес бўйича директор ўринбосари

М.Қадомов

Корпоратив бизнес бўйича директор ўринбосари

А.Ибрагимов

Бош бухгалтер

Д.Сайидов